

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУНЧИЛИК**  
**ТЎПЛАМИ**

**4-сон**  
**(1076)**  
**2023 йил**  
**январь**

*Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:*

*биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

**МУНДАРИЖА**

***Иккинчи бўлим***

21. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 23 январдаги ПФ–13-сон Фармони
22. «Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 январдаги ПФ–14-сон Фармони
23. «Савдо-саноат палатаси фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 23 январдаги ПҚ–15-сон қарори
24. «Озиқ-овқат технологияси ва муҳандислиги халқаро институтини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 26 январдаги ПҚ–22-сон қарори

25. «Пахта хом ашёси етиштирувчилар фаолиятини янада қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 26 январдаги ПҚ–23-сон қарори

*Бешинчи бўлим*

26. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти бошлиғининг 2022 йил 22 декабрдаги 41-сон «Қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ бўлган операцияларни амалга оширувчи шахслар учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 23 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2034-6*)
27. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2022 йил 30 декабрдаги 30/25-сон «Кредит бюроларини рўйхатга олиш ва уларнинг фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 23 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3042-3*)
28. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2022 йил 29 декабрдаги 30/7-сон «Банк фаолиятига рухсат бериш тартиби ва шартлари тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 24 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3252-2*)
29. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2023 йил 4 январдаги 30/10-сон «Банк хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда тижорат банкларининг фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 26 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3030-8*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

**ИККИНЧИ БЎЛИМ****ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ****21 Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳуж-  
жатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида\***

Мамлакатимизда хусусий инвестицияларни жалб этиш ҳамда давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини қисқартириш бўйича амалга оширилган тадбирлар натижасида ўтган уч йилда қарийб 2 мингта давлат активлари сотилди ва давлат иштирокидаги корхоналар сони 45 фоизга қисқарди.

Хусусийлаштиришни жадаллаштириш, давлат мулкни ижарага бериш тартибини такомиллаштириш ҳамда иқтисодиётда хусусий мулкнинг улуши-ни янада ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ило-вага мувофиқ қуйидагиларни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

алоҳида давлат мулки объектларини хусусийлаштиришдан тушган маб-лағларни маҳаллалар ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидаги сув таъ-миноти ва канализация тизимларини ривожлантиришга йўналтириш;

давлат мулки объектларини аукцион орқали ижарага бериш муддатини уч йил этиб белгилаш ва ўз мажбуриятларини тўлиқ бажарган ижара олув-чиларга ижара муддатини яна уч йил муддатга узайтириш;

уч ойдан ортиқ фойдаланилмасдан бўш турган давлат мулки объектла-рини (ижтимоий объектлар бундан мустасно) белгиланган тартибда баланс сақловчиларнинг розилигисиз ижарага бериш ёки сотиш учун онлайн-аукци-он савдоларига чиқариш.

2. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республи-касининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 23 январь,  
ПФ–13-сон

---

\* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 24 январда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2023 йил 23 январдаги  
ПФ–13-сон Фармони  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим  
хужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 январдаги «Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5630-сон Фармонининг 6-бандида:

а) «б» кичик банди биринчи хатбошидаги «в» ва «г» кичик бандлари» сўзлари «в»-«г» кичик бандлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) «в» кичик банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«в) ҳудуди 10 000 квадрат метргача бўлган давлат қўчмас мулк объектлари (бундан ушбу банднинг «в<sup>1</sup>» кичик банди мустасно), шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг қарорлари асосида сотиладиган давлат қўчмас мулк объектларини сотишдан тушадиган маблағлар»;

в) қуйидаги мазмундаги «в<sup>1</sup>» ва «в<sup>2</sup>» кичик бандлар билан тўлдирилсин:

«в<sup>1</sup>) маҳалладаги майдони 2 000 квадрат метргача бўлган давлат қўчмас мулк объектларини ҳоким ёрдамчиларининг онлайн-буюртманомасига асосан сотишдан тушадиган маблағлар тегишли маҳаллаларнинг Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармаларига;

в<sup>2</sup>) хусусийлаштириш дастурларига мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикасида жойлашган давлат активларини (бундан ушбу банднинг «в» кичик банди мустасно) сотишдан тушган маблағлар Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш ҳудудий жамғармасига»;

г) «д» кичик банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«д) Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли хужжатларида Жамғарманинг умумий маблағлари ҳисобидан ёки аниқ давлат активини сотишдан тушган маблағларни бошқа мақсадларга тўлиқ ёки қисман йўналтириш кўзда тутилган тақдирда, мазкур банднинг «б» — «в<sup>2</sup>» кичик бандлари маблағларнинг қолган қисмига нисбатан татбиқ этилади».

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 19 февралдаги «Давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–5666-сон Фармонида:

а) 4-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«давлат мулки объектлари ижарага бериш учун аукционга чиқарилганда ижарага бериш муддати уч йил этиб белгиланади, қонунчилик хужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Бунда, ижарага олувчи томонидан мажбуриятлар ўз вақтида ва тўлиқ бажарилган тақдирда ижара муддати

уч йил муддатга узайтирилади, қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно»;

б) 11-банднинг учинчи хатбошисидан «бир йилгача бўлган муддатга» сўзлари чиқариб ташлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 августдаги «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтириш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни ташкил қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслар ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш тўғрисида»ги ПФ–5780-сон Фармонининг 9-банди қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Бунда, вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига қарашли бўлган, уч ойдан ортиқ фойдаланилмасдан бўш турган объектлар, ижтимоий объектлар бундан мустасно, Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан тасдиқланадиган тартибга мувофиқ уларнинг розилигисиз ижарага бериш ёки сотиш учун «E-auction» электрон савдо платформасига онлайн-аукцион савдоларига чиқарилади».

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги «Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–6096-сон Фармонида:

а) 17-банднинг олтинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

б) 20-банднинг тўртинчи хатбошисидagi «2022 йил 1 июлга қадар» сўзлари «2023 йил 1 декабрга қадар» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 4-иловадан 130-позиция чиқариб ташлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 3 июлдаги «Давлат мулки объектларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига сотиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–2200-сон қарорининг 6<sup>1</sup>-бандининг иккинчи ва учинчи хатбошиларидаги «кўчириб бўладиган ва кўчмас мулк» сўзлари «кўчар ва кўчмас мулк» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 февралдаги «Хоразм вилоятида тадбиркорлик субъектларига давлат мулки объектларини сотиш ва кичик саноат зоналарини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3513-сон қарорининг 8-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги «Иқтисодиётда давлат иштирокини янада қисқартириш ва хусусийлаштиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–168-сон қарорининг 3-банди «а» кичик бандининг учинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкалари (кейинги ўринларда — ер участкалари) бўлганда — «Yerelektron» автоматлаштирилган ахборот тизими орқали юборилган онлайн-буюртманомга тегишли идоралар томонидан белгиланган тартибда кўриб чиқилади ҳамда ижобий ҳулоса берилган тақдирда, тўғридан-тўғри электрон онлайн-аукцион савдоларига чиқарилади».

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### **22 Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолияти- ни самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида\***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги «Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–269-сон Фармонида мувофиқ, шунингдек, вазирлик ва идоралар фаолиятини самарали ташкил қилишга йўналтирилган биринчи навбатдаги чора-тадбирларни белгилаш мақсадида:

1. Республика ижро этувчи ҳокимият органлари — вазирликлар, қўмиталар, агентликлар ва инспекциялар (кейинги ўринларда — вазирлик ва идоралар) ҳамда улар ҳудудий ва туман (шаҳар) бўлинмаларининг Давлат бюджети ҳамда бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган жами бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирлик ва идоралар тизимида жами 17 447 та штат бирликлари қисқартирилаётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Вазирлик ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари ҳисобидан қўшимча бошқарув штат бирликларини киритиш қатъиян тақиқлансин.

2. Республика ижро этувчи ҳокимият органлари — вазирликлар, қўмиталар, агентликлар ва инспекцияларнинг ягона рўйхати ҳамда уларнинг тўлиқ (расмий) ва қисқартма номлари 2 ва 2а-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 9 декабрдаги «Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ–3358-сон Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Вазирлик ва идоралар раҳбарлари уч ҳафта муддатда ҳар бир вазирлик ва идора фаолиятини мутлақо янги тизим асосида ташкиллаштиришни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжати лойиҳасини киритсин. Бунда, қуйидагилар назарда тутилсин:

вазирлик ва идораларнинг аниқ асосий фаолият йўналишларини белгилаш, қабул қилинган ривожлантириш дастурлари, стратегиялар ва концепцияларни амалга ошириш;

соҳаларда ҳал қилиниши лозим бўлган масалаларга ечим топишга йўналтирилган ташкилий-ҳуқуқий ва молиявий чора-тадбирлар, аҳоли учун қулай шароитлар яратиш, фуқароларнинг тизимли муаммоларини ҳал этиш;

бюджет маблағларидан мақсадли ва оқилона фойдаланиш, давлат харидлари шаффофлигини ошириш, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари учун тенг имкониятлар яратиш орқали давлат харидлари жараёнида рақобатни ривожлантириш;

\* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 25 январда эълон қилинган.

энергияни тежаш, унинг самарадорлигини ошириш ва соҳага қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жалб қилиш;

тегишли соҳаларда давлат-хусусий шериклик ва аутсорсинг механизмларини кенг жорий қилиш, 2023 йилдан бошлаб вазирлик ва идоралар ҳамда уларнинг тизим ташкилотларининг айрим функцияларини босқичма-босқич хусусий секторга ўтказиш;

лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларидаги бюрократик тўсиқларни бартараф этиш бўйича таклифлар тайёрлаш. Бунда, лицензия ва рухсат бериш хусусиятига эга ҳужжат талаб этиладиган фаолият тури, уларни бериш учун талаб этиладиган ҳужжатлар сони, хизмат кўрсатиш вақти ҳамда уларни бериш учун тўловлар (йиғимлар) миқдорини камайтириш;

тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш (уларга хизмат кўрсатиш, давлат томонидан субсидия тақдим этиш, имтиёз бериш ва бошқача тартибда қўллаб-қувватлаш) ҳамда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш;

соҳани ривожлантириш дастурлари учун жалб қилинадиган грант ва техник қўмак маблағларининг прогнози ҳамда унинг аниқ йўналишларини белгилаш, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш гуруҳлари фаолиятини қайта кўриб чиқиш;

вазирлик ва идоралар тизимидаги давлат унитар корхоналари (муассасалари), масъулияти чекланган жамиятлар ҳамда давлат улуши бўйича акциялар пакети бошқарувига берилган хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини қайта кўриб чиқиш, шунингдек, улардаги давлат улушини хусусийлаштириш бўйича таклиф тайёрлаш;

вазирлик ва идоралар ҳамда уларнинг тизимидаги ташкилотлар томонидан назорат функцияларини «хавфни таҳлил этиш» тизими натижалари асосида амалга ошириш тартибини такомиллаштириш, шунингдек, уларни мувофиқлаштириш ва назорат функцияларини мақбуллаштириш;

вазирлик ва идоралар ҳамда уларнинг тизимидаги ташкилотлар томонидан тадбиркорлик субъектлари ва аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг моделини такомиллаштириш;

вазирлик ва идораларда ҳамда улар таркибига кирадиган ташкилотлар кесимида коррупция авж олган соҳаларда унинг ривожланиш сабаблари ва шартларини ўрганиш асосида ушбу соҳаларнинг ҳар бирига «ташхис қўйиш» ҳамда коррупция омилларини бартараф этиш;

соҳага ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, шу жумладан вазирлик ва идораларнинг иш жараёнини рақамлаштириш;

соҳада фаолият кўрсатаётган ходимларнинг касбий маҳорати ва масъулиятини ошириш, тизим ташкилотларига ташаббускор, фидойи, садоқатли, ўз устида доимий ишлайдиган кадрларни жалб қилиш ҳамда уларнинг салоҳиятини доимий равишда ошириб бориш;

вазирлик ва идораларнинг ташкилий тузилмаларини тасдиқлаш, улар таркибига киритилган муассасаларнинг фаолиятини такомиллаштириш;

қонунчилик ҳужжатларини тўлиқ хатловдан ўтказиш, ўзгартириш ва қў-



шимчалар киритиш зарур бўлган норматив-ҳукукий ҳужжатларни бир-бирига мувофиқлаштириш.

4. Республика ижро этувчи ҳокимият органлари — вазирликлар, қўмиталар, агентликлар ва инспекцияларда таркибий бўлинмаларни шакллантириш ҳамда лавозимларни жорий этишга оид ягона талаблар 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирлик ва идоралар раҳбарлари штатлар жадвалларини ишлаб чиқиш ва рўйхатдан ўтказишда мазкур Фармон билан тасдиқланаётган ягона талабларга қатъий амал қилсин.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ш. Кудбиев) Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги (Б. Мусаев) билан биргаликда уч ой муддатда вазирлик ва идораларга юклатилган вазифаларни хатловдан ўтказиш ҳамда ишлаб чиқариш ва ёрдамчи ходимларни киритиш бўйича штат нормативларини тасдиқлашни назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. Вазирлик ва идоралар раҳбарлари белгиланган вазифаларининг бажарилишини ҳамда давлат хизматлари кўрсатилишининг узлуксизлигини таъминлаш мақсадида уч кун муддатда ўз раҳбарлари ўринбосарлари ўртасида аниқ вазифалар ва функцияларни тақсимлаб, улар фаолиятини самарали ташкил қилсин, шунингдек, ажратилган маблағлар доирасида вазирлик ва идораларнинг марказий аппарати, ҳудудий ва туман (шаҳар) бўлинмаларининг вақтинчалик тузилмаларини, штат бирликларини ҳамда низомларини тасдиқласин. Бунда:

қайта ташкил этилган, бўйсунуви ўзгартирилган ва тугатилган давлат бошқаруви органларининг тузилмаси ва штат бирликлари инобатга олинсин;

иш ҳақи ва бошқа харажатлар вақтинчалик харажатлар сметаси доирасида амалга оширилсин.

Иқтисодиёт ва молия вазирлигига вазирлик ва идораларда штат бирликлари мақбуллаштирилиши натижасида ходимлар билан ойлик иш ҳақлари бўйича якуний ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш мақсадида вазирлик ва идораларнинг вақтинчалик харажатлар сметасида, истисно тариқасида, зарур маблағларни 2023 йилнинг 1-чораги учун режалаштиришга рухсат берилсин.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ш. Кудбиев) вазирлик ва идоралар раҳбарлари томонидан тасдиқланган штат бирликлари доирасида иш ҳақи ва бошқа харажатлар учун белгиланган тартибда маблағ ажратилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари билан тасдиқланган вазирлик ва идораларнинг марказий аппаратлари, ҳудудий ва туман (шаҳар) бўлинмаларининг тузилмалари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги (Б. Мусаев) маъмурий ислохотлар доирасида янги ташкил этилган вазирлик ва идораларга штатлар жадвалини тузиш, ходимларни ишга қабул қилиш, меҳнат муносабатларини давом эттириш ва бекор қилишни расмийлаштириш бўйича



тушунтириш ишларини, шунингдек, меҳнат қонунчилиги талабларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширсин.

Белгилансинки, қўмиталар, агентликлар ва инспекцияларда янги раҳбарият шакллангунга қадар ходимларни ишга қабул қилиш ва меҳнат муносабатларини расмийлаштириш ишлари мазкур идораларда амалда фаолият юритаётган раҳбарлар (раҳбарлар мавжуд бўлмаса уларнинг ўринбосаридан бири) томонидан амалга оширилади.

8. Белгилаб қўйилсинки:

янги ташкил қилинган ва қайта ташкил қилинган вазирлик ва идоралар фаолияти тугатилган ёки қайта ташкил қилинган вазирлик ва идораларнинг тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

2023 йил 1 январдан бошлаб қайта ташкил этилган ва фаолияти тугатилган давлат органларининг иш юритувида бўлган лицензиялаш, рухсат бериш, хабардор қилиш ва бошқа давлат хизматларини кўрсатиш тўғрисидаги ҳужжатлар ва аризалар тегишлилиги бўйича янги ташкил этилган ҳамда тугатилаётган ташкилотнинг тегишли функциялари ўтказилган вазирлик ва идоралар томонидан амалга оширилади;

давлат унитар корхоналарида ходимлар сони, уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш ва рағбатлантириш шартлари ҳамда хизмат автотранспорт воситаларининг чекланган сони ва турларини тасдиқлашда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан мажбурий равишда келишилади.

Адлия вазирлиги (А. Ташкулов) Рақамли технологиялар вазирлиги (Ш. Шерматов) билан биргаликда уч кун муддатда:

барча янги ташкил этилган вазирлик ва идоралар Ягона интерактив давлат хизматлари порталига ва «Лицензия» ахборот тизимига уланишини;

Ягона интерактив давлат хизматлари портали ва «Лицензия» ахборот тизими орқали келиб тушган ва кўриб чиқиш жараёнида бўлган ҳужжатлар ва аризаларнинг тегишлилиги бўйича янги ташкил этилган вазирлик ва идоралар орасида қайта тақсимланишини таъминласин.

9. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ш. Кудбиев) уч ой муддатда:

юрidik мақомга эга бўлган жамғармалар ижро этувчи органларининг (дирекциялар, бошқарув қўмиталари ва департаментлари ҳамда бошқалар) фаолиятини тугатиш, уларнинг функцияларини тегишли вазирлик ва идораларга ўтказиш;

вазирлик ва идораларда хизмат автотранспорт воситаларидан фойдаланиш тизимини илғор тажриба асосида танқидий таҳлил қилган ҳолда, уларнинг сонини ва сақлаш харажатларини қисқартириш, мазкур вазифани аутсорсинг тизими асосида ташкил этиш юзасидан норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Адлия вазирлиги (А. Ташкулов) вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини киритсин.

11. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Респуб-

ликаси Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари С.У. Умурзаков зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,  
2023 йил 25 январь,  
ПФ–14-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2023 йил 25 январдаги  
ПФ–14-сон Фармониغا  
1-ИЛОВА

Республика ижро этувчи ҳокимият органлари —  
вазирликлар, қўмиталар, агентликлар ва инспекциялар  
ҳамда улар ҳудудий ва туман (шаҳар) бўлинмаларининг  
жами бошқарув ходимларининг  
УМУМИЙ ЧЕКЛАНГАН СОНИ

| Т/р                                     | Вазирлик ва идора номи                | Жами<br>бошқарув<br>штат<br>бирликлари<br>сони | Шу жумладан:                   |                                                                |
|-----------------------------------------|---------------------------------------|------------------------------------------------|--------------------------------|----------------------------------------------------------------|
|                                         |                                       |                                                | давлат<br>бюджети<br>ҳисобидан | бюджетдан<br>ташқари<br>жамғармалар<br>маблағлари<br>ҳисобидан |
| Жами                                    |                                       | 56 573                                         | 51 623                         | 4 950                                                          |
| 1. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги        |                                       |                                                |                                |                                                                |
|                                         | Иқтисодиёт ва молия вазирлиги         | 6 240                                          | 6 186                          | 54                                                             |
| шу жумладан вазир ўринбосарлари сони    |                                       | 7                                              | 7                              |                                                                |
| 1.                                      | Солиқ қўмитаси                        | 9 766                                          | 9 766                          |                                                                |
| шу жумладан раис ўринбосарлари сони     |                                       | 4                                              | 4                              |                                                                |
| 2.                                      | Божхона қўмитаси                      | 4 002                                          | 4 002                          |                                                                |
| шу жумладан раис ўринбосарлари сони     |                                       | 3                                              | 3                              |                                                                |
| 3.                                      | Давлат захираларини бошқариш қўмитаси | 104                                            | 104                            |                                                                |
| шу жумладан раис ўринбосарлари сони     |                                       | 1                                              | 1                              |                                                                |
| 4.                                      | Ғазначилик хизмати қўмитаси           | 1 344                                          | 1 344                          |                                                                |
| шу жумладан раис ўринбосарлари сони     |                                       | 1                                              | 1                              |                                                                |
| 5.                                      | Кадастр агентлиги                     | 961                                            | 388                            | 573                                                            |
| шу жумладан директор ўринбосарлари сони |                                       | 3                                              | 3                              |                                                                |
| 6.                                      | Давлат молиявий назорати инспекцияси  | 362                                            | 362                            |                                                                |
| шу жумладан бошлиқ ўринбосарлари сони   |                                       | 1                                              | 1                              |                                                                |

|                                                   |                                                             |       |       |       |
|---------------------------------------------------|-------------------------------------------------------------|-------|-------|-------|
| 7.                                                | Давлат асиллик даражаси назорати инспекцияси                | 39    | 39    |       |
| шу жумладан бошлиқ ўринбосарлари сони             |                                                             | 1     | 1     |       |
| 2. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги       |                                                             |       |       |       |
|                                                   | Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги                    | 1 378 | 1 378 |       |
| шу жумладан вазир ўринбосарлари сони              |                                                             | 6     | 6     |       |
| 1.                                                | Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги         | 99    | 99    |       |
| шу жумладан директор ўринбосарлари сони           |                                                             | 1     | 1     |       |
| 2.                                                | Хорижий инвестицияларни жалб этиш агентлиги                 | 20    | 20    |       |
| шу жумладан директор ўринбосарлари сони           |                                                             | 1     | 1     |       |
| 3.                                                | Экспортни рағбатлантириш агентлиги                          | 25    | 19    | 6     |
| шу жумладан директор ўринбосарлари сони           |                                                             | 2     | 2     |       |
| 4.                                                | Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги              | 42    | 23    | 19    |
| шу жумладан директор ўринбосарлари сони           |                                                             | 1     | 1     |       |
| 3. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги |                                                             |       |       |       |
|                                                   | Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги              | 4 652 | 4 515 | 137   |
| шу жумладан вазир ўринбосарлари сони              |                                                             | 4     | 4     |       |
| 1.                                                | Оила ва хотин-қизлар қўмитаси                               | 152   | 152   |       |
| шу жумладан раис ўринбосарлари сони               |                                                             | 1     | 1     |       |
| 2.                                                | Маҳаллабай ишлаш ва тадбир-корликни ривожлантириш агентлиги | 190   | 190   |       |
| шу жумладан директор ўринбосарлари сони           |                                                             | 1     | 1     |       |
| 3.                                                | Тиббий-ижтимоий экспертиза инспекцияси                      | 57    | 57    |       |
| шу жумладан бошлиқ ўринбосарлари сони             |                                                             | 1     | 1     |       |
| 4. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги                      |                                                             |       |       |       |
|                                                   | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги                                   | 2 312 | 1 292 | 1 020 |
| шу жумладан вазир ўринбосарлари сони              |                                                             | 5     | 5     |       |
| 1.                                                | Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси          | 1 202 | 1 202 |       |
| шу жумладан раис ўринбосарлари сони               |                                                             | 2     | 2     |       |
| 2.                                                | Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитаси           | 31    | 31    |       |
| шу жумладан раис ўринбосарлари сони               |                                                             | 1     | 1     |       |
| 3.                                                | Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги                   | 606   | 587   | 19    |

|                                                  |                                                                               |       |       |     |
|--------------------------------------------------|-------------------------------------------------------------------------------|-------|-------|-----|
| шу жумладан директор ўринбосарлари сони          |                                                                               | 2     | 2     |     |
| 4.                                               | Қишлоқ хўжалигида хизматлар кўрсатиш агентлиги                                | 289   | 289   |     |
| шу жумладан директор ўринбосарлари сони          |                                                                               |       |       |     |
| 5.                                               | Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси                           | 467   | 462   | 5   |
| шу жумладан бошлиқ ўринбосарлари сони            |                                                                               | 1     | 1     |     |
| 5. Сув хўжалиги вазирлиги                        |                                                                               |       |       |     |
|                                                  | Сув хўжалиги вазирлиги                                                        | 1 115 | 1 115 |     |
| шу жумладан вазир ўринбосарлари сони             |                                                                               | 4     | 4     |     |
| 1.                                               | Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси               | 23    | 23    |     |
| шу жумладан бошлиқ ўринбосарлари сони            |                                                                               | 1     | 1     |     |
| 6. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги |                                                                               |       |       |     |
|                                                  | Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги                                 | 1 281 | 1 273 | 8   |
| шу жумладан вазир ўринбосарлари сони             |                                                                               | 4     | 4     |     |
| 1.                                               | Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси        | 656   | 134   | 522 |
| шу жумладан бошлиқ ўринбосарлари сони            |                                                                               | 3     | 3     |     |
| 7. Транспорт вазирлиги                           |                                                                               |       |       |     |
|                                                  | Транспорт вазирлиги                                                           | 649   | 649   |     |
| шу жумладан вазир ўринбосарлари сони             |                                                                               | 3     | 3     |     |
| 1.                                               | Автомобиль йўллари қўмитаси                                                   | 334   | 334   |     |
| шу жумладан раис ўринбосарлари сони              |                                                                               | 2     | 2     |     |
| 2.                                               | Фуқаро авиацияси агентлиги                                                    | 61    | 61    |     |
| шу жумладан директор ўринбосарлари сони          |                                                                               | 1     | 1     |     |
| 3.                                               | Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси | 35    | 35    |     |
| шу жумладан бошлиқ ўринбосарлари сони            |                                                                               | 1     | 1     |     |
| 4.                                               | Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш инспекцияси                         | 44    | 44    |     |
| шу жумладан бошлиқ ўринбосарлари сони            |                                                                               |       |       |     |
| 8. Энергетика вазирлиги                          |                                                                               |       |       |     |
|                                                  | Энергетика вазирлиги                                                          | 97    | 80    | 17  |
| шу жумладан вазир ўринбосарлари сони             |                                                                               | 3     | 3     |     |
| 1.                                               | Атом энергетикасини ривожлантириш агентлиги                                   | 48    | 48    |     |
| шу жумладан директор ўринбосарлари сони          |                                                                               | 1     | 1     |     |

|                                            |                                                                                       |       |       |     |
|--------------------------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------|-------|-------|-----|
| 2.                                         | Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси | 357   | 357   |     |
| шу жумладан бошлиқ ўринбосарлари сони      |                                                                                       | 2     | 2     |     |
| 9. Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги   |                                                                                       |       |       |     |
|                                            | Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги                                                 | 121   | 57    | 64  |
| шу жумладан вазир ўринбосарлари сони       |                                                                                       | 3     | 3     |     |
| 1.                                         | Тоғ-кон, геология ва саноат хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси                   | 186   | 186   |     |
| шу жумладан бошлиқ ўринбосарлари сони      |                                                                                       | 1     | 1     |     |
| 10. Рақамли технологиялар вазирлиги        |                                                                                       |       |       |     |
|                                            | Рақамли технологиялар вазирлиги                                                       | 181   |       | 181 |
| шу жумладан вазир ўринбосарлари сони       |                                                                                       | 3     |       | 3   |
| 1.                                         | Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлиги                                         | 22    | 22    |     |
| шу жумладан директор ўринбосарлари сони    |                                                                                       |       |       |     |
| 2.                                         | Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат инспекцияси                   | 136   |       | 136 |
| шу жумладан бошлиқ ўринбосарлари сони      |                                                                                       | 1     |       | 1   |
| 11. Табиат ресурслари вазирлиги            |                                                                                       |       |       |     |
|                                            | Табиат ресурслари вазирлиги                                                           | 1 835 | 1 826 | 9   |
| шу жумладан вазир ўринбосарлари сони       |                                                                                       | 3     | 3     |     |
| 1.                                         | Ўрмон хўжалиги агентлиги                                                              | 120   | 63    | 57  |
| шу жумладан директор ўринбосарлари сони    |                                                                                       | 2     | 2     |     |
| 2.                                         | Гидрометеорология хизмати агентлиги                                                   | 37    | 37    |     |
| шу жумладан директор ўринбосарлари сони    |                                                                                       | 1     | 1     |     |
| 12. Соғлиқни сақлаш вазирлиги              |                                                                                       |       |       |     |
|                                            | Соғлиқни сақлаш вазирлиги                                                             | 610   | 610   |     |
| шу жумладан вазир ўринбосарлари сони       |                                                                                       | 4     | 4     |     |
| 1.                                         | Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси                    | 69    | 69    |     |
| шу жумладан раис ўринбосарлари сони        |                                                                                       | 3     | 3     |     |
| 13. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги |                                                                                       |       |       |     |
|                                            | Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги                                                | 4 950 | 4 950 |     |
| шу жумладан вазир ўринбосарлари сони       |                                                                                       | 5     | 5     |     |
| 1.                                         | Мактабгача таълим агентлиги                                                           | 100   | 100   |     |
| 12.  | Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги                                                                                             | ССВ                         | Минздрав                    |
| 12.1 | Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси               | Санэпидқўм                  | Санэпидком                  |
| 13.  | Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги                                                                                | ММТВ                        | МДШО                        |
| 13.1 | Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳузуридаги Мактабгача таълим агентлиги                                         | МТА                         | АДО                         |
| 13.2 | Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳузуридаги Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги                    | ИМА                         | АСУ                         |
| 14.  | Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги                                                                            | ОТФИВ                       | МВОНИ                       |



|      |                                                                                                                                                   |                                    |                                    |
|------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|------------------------------------|------------------------------------|
| 14.1 | Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Инновацион ривожланиш агентлиги                                     | Инновация агентлиги                | Агентство инноваций                |
| 14.2 | Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги                              | Билимни баҳолаш агентлиги          | Агентство оценки знаний            |
| 15.  | Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги                                                                                          | Ёшлар ва спорт вазирлиги           | Минмолодежи и спорта               |
| 15.1 | Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Ёшлар ишлари агентлиги                                                        | Ёшлар агентлиги                    | Агентство молодежи                 |
| 16.  | Ўзбекистон Республикаси Маданият ва туризм вазирлиги                                                                                              | Маданият ва туризм вазирлиги       | Министерство культуры и туризма    |
| 16.1 | Ўзбекистон Республикаси Маданият ва туризм вазирлиги ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси | Миллатлараро муносабатлар қўмитаси | КМОДС                              |
| 16.2 | Ўзбекистон Республикаси Маданият ва туризм вазирлиги ҳузуридаги Кинематография агентлиги                                                          | Кинематография агентлиги           | Агентство кинематографии           |
| 17.  | Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги                                                                                                           | Адлия вазирлиги                    | Минюст                             |
| 17.1 | Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги «Ўзархив» агентлиги                                                                            | «Ўзархив» агентлиги                | Агентство «Узархив»                |
| 17.2 | Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Персоналлаштириш агентлиги                                                                     | Персоналлаштириш агентлиги         | Агентство персонализации           |
| 18.  | Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги                                                                                                     | ТИВ                                | МИД                                |
| 19.  | Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги                                                                                            | ФВВ                                | МЧС                                |
| 20.  | Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги                                                                                                      | ИИВ                                | МВД                                |
| 21.  | Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги                                                                                                         | Мудофаа вазирлиги                  | Минобороны                         |
| 21.1 | Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Мудофаа саноати агентлиги                                                                    | Мудофаа саноати агентлиги          | Агентство оборонной промышленности |
| 22.  | Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси                                                 | Рақобат қўмитаси                   | Комитет по конкуренции             |
| 23.  | Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитаси                                                                                                | Дин ишлари қўмитаси                | КПДР                               |
| 24.  | Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги                                                                                     | Давактив агентлиги                 | Агентство госактивов               |
| 25.  | Ўзбекистон Республикаси Миллий антидопинг агентлиги                                                                                               | ЎзМАДА                             | УзНАДА                             |
| 26.  | Ўзбекистон Республикаси Маданий мерос агентлиги                                                                                                   | Маданий мерос агентлиги            | Агентство культурного наследия     |

Изоҳлар:

1) 2023 йил 1 мартдан бошлаб йиғилиш ва видеоселектор баёнлари, хизмат ёзишмалари, таҳлилий ва бошқа материалларда (қонунлар ҳамда бошқа норма-

тив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг қарор қисмлари бундан мустасно) вазир-лик ва идораларнинг қисқартма номларини кўрсатиш амалиёти жорий қилинади;  
2) вазирлик ва идораларнинг қисқартма номларидан фойдаланиш тартиби Адлия вазирлиги ва Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги томонидан белгиланади ҳамда Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2023 йил 25 январдаги  
ПФ–14-сон Фармониға  
3-ИЛОВА

**Республика ижро этувчи ҳокимият органлари —  
вазирликлар, кўмиталар, агентликлар ва инспекцияларда  
таркибий бўлинмаларни шакллантириш ҳамда  
лавозимларни жорий этишға оид  
ЯГОНА ТАЛАБЛАР**

**I. Республика ижро этувчи ҳокимият органларининг  
марказий аппаратлари**

|                                                   |
|---------------------------------------------------|
| <b>Ходимлар тоифаси</b>                           |
| <b>Раҳбарият*</b>                                 |
| Раҳбар                                            |
| Раҳбарнинг биринчи ўринбосари                     |
| Раҳбар ўринбосари                                 |
| Раҳбар маслаҳатчиси                               |
| Раҳбар ёрдамчиси                                  |
| <b>Департамент**</b>                              |
| Департамент бошлиғи                               |
| Департамент бошлиғининг биринчи ўринбосари        |
| Департамент бошлиғи ўринбосари                    |
| <b>Бошқарма***</b>                                |
| Бошқарма бошлиғи                                  |
| Бошқарма бошлиғи ўринбосари                       |
| <b>Бўлим****</b>                                  |
| Бўлим бошлиғи (бош ҳисобчи)                       |
| Бўлим бошлиғи ўринбосари (бош ҳисобчи ўринбосари) |
| <b>Мутахассислар*****</b>                         |
| Бош мутахассис                                    |
| Етакчи мутахассис                                 |
| Мутахассис                                        |

Изоҳлар:  
\* раҳбар ходимлар лавозимларининг аниқ номланиши қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ белгиланади;

**\*\*** белгиланган масъул ходимлар штат бирликлари сони 20 ва ундан ортиқ бўлган ҳолларда вазирликларда департамент ташкил этилиши мумкин. Бунда, департамент бошлигининг 2 нафаргача ўринбосари (шу жумладан, 1 нафар биринчи ўринбосар) лавозими киритилиши мумкин;

**\*\*\*** белгиланган масъул ходимлар штат бирликлари сони 7 ва ундан ортиқ бўлган ҳолларда ташкил этилади. Бунда, бошқарма бошлигининг 1 нафар ўринбосари лавозими киритилиши мумкин. Департамент таркибидаги бошқармаларда бошқарма бошлиги ўринбосари лавозими киритилмайди;

**\*\*\*\*** белгиланган масъул ходимлар штат бирликлари сони 2 ва ундан ортиқ бўлган ҳолларда ташкил этилади. Штат бирликлари сони 5 нафар ва ундан ортиқ бўлган бўлимларда 1 нафар бўлим бошлиги ўринбосари лавозими киритилиши мумкин. Бошқарма таркибидаги бўлимларда бўлим бошлиги ўринбосари лавозими киритилмайди;

**\*\*\*\*\*** белгиланган масъул ходимлар штат бирликлари сони 1 нафардан иборат бўлганда бош мутахассис лавозими киритилади ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари бўйича бўлим бошлигига тенглаштирилади.

Бунда:

а) марказий аппаратларнинг таркибий бўлинмалари ва уларнинг штат бирликларини шакллантиришда раҳбар ходимлар (раҳбар ва унинг ўринбосарлари, Вазир котибияти бошлиги, департамент бошлиқлари ва ўринбосарлари, бошқарма бошлиқлари ва ўринбосарлари, бўлим бошлиқлари ва ўринбосарлари) ва ижрочилар (бош мутахассис, етакчи мутахассис, мутахассис) марказий аппарат бўйича камида 1/3 нисбатда бўлиши лозим;

б) марказий аппаратлар ва ҳудудий ҳамда туман (шаҳар) бўлинмалари тузилмалари тегишли раҳбарлар томонидан тасдиқланади ҳамда ходимларнинг белгиланган умумий сони ва ажратилган бюджет маблағлари доирасида мустақил ўзгартирилиши мумкин;

в) марказий аппаратларда стратегик режалаштириш ва методология, жамоатчилик билан алоқалар (ахборот хизматлари), инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш, ахборот таҳлил ва ижро интизоми, мурожатлар, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва рақамлаштириш, юридик таъминлаш, коррупцияга қарши курашиш, молия-иқтисод, халқаро ҳамкорлик ва рейтинглар, биринчи бўлим таркибий бўлинмалари (лавозимлари) ташкил этилиши мажбурий ҳисобланади.

Бунда, стратегик режалаштириш ва методология, жамоатчилик билан алоқалар (ахборот хизматлари), коррупцияга қарши курашиш, халқаро ҳамкорлик қилиш ва рейтинглар таркибий бўлинмалари (лавозимлари) фақатгина вазирлик ва бошқа мустақил идораларда ташкил қилиниб, ушбу йўналишларда улар ягона сиёсатни амалга оширади. Тизим ташкилотлари кўп бўлган вазирликлар ҳузуридаги қўмиталар, агентликлар ва инспекцияларда Ўзбекистон Республикаси Президенти

Администрацияси билан келишилган ҳолда алоҳида бўлинмалар (лавозимлар) ташкил қилиниши мумкин;

г) вазирларнинг фаолиятини стратегик вазифаларни ҳал этишга йўналтириш ҳамда кунлик (жорий ишлар) иш юкламасини мақбуллаштириш мақсадидан улар фаолиятини ҳуқуқий, ташкилий-техник, ахборот-таҳлил, назорат ва протокол жиҳатдан таъминлайдиган Вазир котибияти ташкил қилиниши мумкин.

Вазир котибияти бошлиғи ҳамда раҳбар маслаҳатчиси меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари бўйича департамент бошлиғига тенглаштирилади;

д) вазирликлар ҳузуридаги қўмиталар, агентликлар ва инспекциялар марказий аппарати ва уларнинг ҳудудий ҳамда туман (шаҳар) бўлинмалари ходимлари учун меҳнатга ҳақ тўлаш разрядлари тегишлича вазирлик марказий аппарати ходимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш разрядларидан бир поғона паст миқдорда қўлланилади;

е) бошқарма бошлиқлари учун меҳнатга ҳақ тўлаш разрядлари бўлим бошлиқлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш разрядларидан, департамент бошлиқлари учун эса бошқарма бошлиқлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш разрядларидан бир поғона юқори миқдорда қўлланилади.

**II. Республика ижро этувчи ҳокимият органлари —  
вазирликлар, қўмиталар, агентликлар ва инспекцияларнинг  
ҳудудий ҳамда туман (шаҳар) бўлинмалари**

|                               |
|-------------------------------|
| <b>Ходимлар тоифаси</b>       |
| <b>Раҳбарият*</b>             |
| Раҳбар                        |
| Раҳбарнинг биринчи ўринбосари |
| Раҳбар ўринбосари             |
| <b>Бўлим**</b>                |
| Бўлим бошлиғи                 |
| Бўлим бошлиғи ўринбосари      |
| <b>Шуъба***</b>               |
| Шуъба бошлиғи                 |
| <b>Мутахассислар****</b>      |
| Бош мутахассис                |
| Етакчи мутахассис             |
| Мутахассис                    |

Изоҳлар:

\* раҳбар ходимлар лавозимларининг аниқ номланиши қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ белгиланади;

\*\* белгиланган масъул ходимлар штат бирликлари сони 5 ва ундан

ортиқ бўлган ҳолларда ташиқил этилади. Туман (шаҳар) бўлинмаларида киритилмайди;

\*\*\* белгиланган масъул ходимлар штат бирликлари сони 2 ва ундан ортиқ бўлган ҳолларда ташиқил этилади;

\*\*\*\* белгиланган масъул ходимлар штат бирликлари сони 1 нафардан иборат бўлганда бош мутахассис лавозими киритилади ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари бўйича шуъба бошлигига тенглаштирилади.

Худудий ва туман (шаҳар) бўлинмаларининг штат бирликларини шакллантиришда раҳбар ходимлар (раҳбар ва ўринбосарлари, бўлим бошлиқлари ва ўринбосарлари, шуъба бошлиги) ва ижрочилар (бош мутахассис, етакчи мутахассис, мутахассис) бўлинма бўйича камида 1/3 нисбатда бўлиши лозим.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

# 23

### Савдо-саноат палатаси фаолиятини янада такомиллашти- риш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида\*

Аҳолини тадбиркорликка жалб қилишни янада жадаллаштириш, тадбиркорлик ташаббусини амалга ошириш учун қулай ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий шарт-шароитларни таъминлаш, республикамиз тадбиркорлик субъектларининг халқаро ишбилармонлик ҳамжамиятига интеграциялашувини кенгайтириш борасидаги Савдо-саноат палатаси фаолиятини такомиллаштириш мақсадида:

1. Савдо-саноат палатасига (кейинги ўринларда — Палата) қуйидаги вазифалар берилсин:

Ҳукуматга ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яхшилаш, бизнеснинг ривожланишига тўсқинлик қилаётган ёки уни чеклаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, уларни бекор қилиш тўғрисидаги кўриб чиқиши мажбурий бўлган масалаларни киритиш;

Палата аъзоларининг манфаатларини кўзлаб Олий судга ариза бериш ҳамда иқтисодий, маъмурий, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича суд қарорларини қайта кўриб чиқиш юзасидан шикоят киритиш;

тадбиркорлик муҳитини яхшилаш бўйича таклифларни тўғридан-тўғри Бош вазирга киритиб бориш;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар ва идораларда, шунингдек, халқаро ташкилотларда тадбиркорлик субъектлари манфаатларини ифодалаш;

бизнес муҳитини яхшилаш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадида, тадбиркорлик масалалари борасида жамоатчилик эшитувларини ташкил қилиб бориш;

тадбиркорликни ривожлантириш, республиканинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини оширишда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётган бизнес вакиллари ва бошқа шахсларни мукофотларга тавсия қилиш;

маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқа ҳудудий давлат органларига ҳудудда тадбиркорликни ривожлантириш, ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини янада яхшилаш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан кўриб чиқиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш;

халқ депутатлари вилоят, туман (шаҳар) Кенгашлари ва ҳокимлар билан ҳудуддаги ишбилармонлик муҳитининг ҳолати, тадбиркорлик соҳасида қабул қилинган қонунчилик ҳужжатларининг ижроси натижадорлиги бўйича танқидий муҳокамалар ўтказиб бориш.

2. Белгилаб қўйилсинки, 2023 йил 1 февралдан бошлаб:

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 23 январда эълон қилинган.

микро, кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари Палата аъзолигига, аъзолик ва кириш бадалларидан озод қилинган ҳолда, текин қабул қилинади ҳамда қонунда назарда тутилган аъзолик билан боғлиқ Палата хизматларидан тўлақонли фойдаланиш ҳуқуқига эга, Палата томонидан кўрсатилиши мумкин бўлган қўшимча пуллик хизматлар бундан мустасно;

тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказувчи орган томонидан давлат рўйхатидан ўтган тадбиркорлик субъектлари тўғрисидаги маълумотлар аъзо сифатида рўйхатга қўйиш учун Палатага электрон тизим орқали юборилади;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди (кейинги ўринларда — Жамоат фонди) ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондлари (кейинги ўринларда — ҳудудий жамоат фондлари) ҳисобидан Палатанинг асосланган ҳисоб-китобларига мувофиқ, мос равишда Палата ва унинг ҳудудий бўлинмаларига давлат субсидиясини ажратиш тизими жорий этилади;

Палата ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан давлат субсидиясининг сарфланиши бўйича ҳар йили тегишинча Жамоат фонди ҳамда ҳудудий жамоат фондларига ҳисобот бериб борилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясига Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги билан келишилган ҳолда бир ой муддатда Палата ва унинг ҳудудий бўлинмалари учун тавсиявий штатлар меъёрлари ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорларини тасдиқлаш ва ҳудудий жамоат фондларига етказиш тавсия этилсин.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

Палата тадбиркорлик субъектларининг манфаатларида Ўзбекистон Республикаси судларига тақдим этадиган ариза, даъволар ҳамда апелляция ва кассация шикоятлари бўйича давлат божи тўловларидан озод этилади;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида халқаро грант лойиҳаларини амалга оширишда Палатага миллий ҳамкор бириктириш талаби қўлланилмайди;

давлат органлари ва идоралар томонидан тадбиркорликка оид барча ташқи беғараз қўмак лойиҳаларини амалга оширишда Палата лойиҳа ҳамкори сифатида жалб қилинади.

5. Палатанинг тадбиркорлик соҳасида тармоқлар билан тўғридан-тўғри ишлаш, уларнинг ўзига хос муаммоларини аниқлаш, таҳлил қилиш ва ечимини топиш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш механизминини яратиш мақсадида унинг ҳузурида жамоатчилик асосида тармоқлар кесимида қўмиталар ташкил этилсин.

Бунда, ушбу қўмиталарга келишув асосида иқтисодиёт тармоқлари бўйи-



ча фаолият юритаётган уюшмалар раислари раҳбарлик қилади ва улар бир вақтнинг ўзида Палата раисининг маслаҳатчиси ҳисобланади.

6. Палата, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг тадбиркорлар билан жойларда тўғридан-тўғри мулоқотни йўлга қўйиш мақсадида Палатанинг ҳудудий бошқармалари ҳузурида жамоатчилик асосида асосий вазифалари қўйидагилар ҳисобланган, камида 20 нафар илғор тадбиркорлардан иборат Тадбиркорлик кенгашларини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қўллаб-қувватлансин:

доимий равишда тадбиркорлар билан учрашувлар ташкил қилиб бориш;  
тадбиркорлар ўртасида бизнесга оид қонунчилик ҳужжатлари моҳияти ва аҳамиятини тушунтириш ишларини амалга ошириш;

тармоқ корхоналари орасида кооперацияни йўлга қўйиш;  
жойлардаги ишбилармонлик муҳитининг ҳолатини таҳлил қилиш ҳамда таклифларни Палатага тақдим этиб бориш.

7. Республика ҳудудларида ташкил этиладиган «Тадбиркорлар хиёбонлари»нинг (кейинги ўринларда — хиёбонлар) рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин. Бунда:

а) хиёбонлар тадбиркорлик субъектлари томонидан Савдо-саноат палатасига тўланган аъзолик бадаллари, жисмоний ва юридик шахсларнинг хайрия маблағлари ҳамда маҳаллий бюджетлар маблағлари ҳисобидан барпо этилади;

б) ташкил этилаётган хиёбонларда:

тадбиркорлар, банк вакиллари, инвесторларнинг бизнес лойиҳаларини муҳокама қилиш ҳамда «B2B» тадбирлари ва «коворкинг» фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратилади, Wi-Fi зоналар ташкил қилинади;

фаол тадбиркорларнинг эришган натижаларини намойиш этиш мақсадида йил давомида кўргазмалар ўтказиб борилади;

хиёбонлардаги бино-иншоотлар Палатанинг ҳудудий бошқармалари балансига ўтказиб берилади.

Палата Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда 2 ой муддатда ҳудудларда бўш турган, самарасиз ишлатилаётган давлат кўчмас мулк объектлари негизида республика ҳудудларида хиёбонлар ташкил қилиш тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Белгилансинки, Палатанинг ташкилий тузилмаси, унинг ижроия қўмитаси, ҳудудий бошқармалари, туман (шаҳар)лар бўлимлари тузилмалари Палата раиси томонидан унинг Раёсати билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

Палата (Ваҳобов) бир ой муддатда:

Палата раиси ўринбосарлари ўртасида аниқ вазифалар ва функцияларни тақсимлаб, Палата ижроия қўмитаси ва ҳудудий бўлинмаларининг тузилмалари ҳамда штат бирликларини тасдиқласин;

Палата ижроия қўмитаси ва ҳудудий бўлинмаларининг малакали, чуқур назарий билимлар ва амалий кўникмаларга эга бўлган, ўз вазифаларини са-



марали ва масъулият билан бажарадиган кадрлар билан тўлдирилишини таъминласин.

9. Марказий банк, Адлия вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Солиқ қўмитаси, Божхона қўмитаси ва Статистика агентлиги республикадаги ишбилармонлик муҳити, бизнес юритиш ҳамда тадбиркорлик субъектларининг яшовчанлиги ҳолатини таҳлил қилиш мақсадида уч ой муддатда ўз электрон ахборот тизимлари Палатанинг электрон ахборот тизими билан интеграция қилинишини таъминласин.

10. Палата икки ой муддатда:

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Марказий банк билан биргаликда республика ҳудудларида стартаплар, бизнес-инкубаторлар ва бошқа кичик тадбиркорлик лойиҳаларини молиялаштириш учун нобанк кредит ташкилотларини ташкил қилиш;

илғор хорижий тажрибани ўрганган ҳолда дуал таълим тизимини такомиллаштириш, «Устоз-шогирд» анъаналарининг замонавий механизмларини тажриба тариқасида 3 та олий ўқув юртининг 3- ва 4-босқичига ҳамда 2 та касб-хунар коллежига жорий қилиш;

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда «Давлат божи тўғрисида»ги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 23 январь,  
ПҚ–15-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2023 йил 23 январдаги  
ПҚ–15-сон қарорига  
ИЛОВА

Республика ҳудудларида ташкил этиладиган  
«Тадбиркорлар хиёбонлари»нинг  
РЎЙХАТИ

| T/p | Туман (шаҳар)      | Ишга тушириш муддати                |
|-----|--------------------|-------------------------------------|
| 1.  | Амударё тумани     | 2023 йил апрель ойи якунига қадар   |
| 2.  | Шуманай тумани     |                                     |
| 3.  | Қонликўл тумани    |                                     |
| 4.  | Пешку тумани       |                                     |
| 5.  | Олот тумани        |                                     |
| 6.  | Арнасой тумани     |                                     |
| 7.  | Бахмал тумани      | 2023 йил июнь                       |
| 8.  | Ш. Рашидов тумани  |                                     |
| 9.  | Қамаши тумани      | 2023 йил июль                       |
| 10. | Нишон тумани       |                                     |
| 11. | Ғозғон тумани      | 2023 йил август                     |
| 12. | Хатирчи тумани     |                                     |
| 13. | Чортоқ тумани      | 2023 йил сентябрь ойи якунига қадар |
| 14. | Норин тумани       |                                     |
| 15. | Каттақўрғон тумани |                                     |
| 16. | Боёвут тумани      | 2023 йил октябрь ойи якунига қадар  |
| 17. | Сардоба тумани     |                                     |
| 18. | Бандихон тумани    |                                     |
| 19. | Бўка тумани        | 2023 йил ноябрь ойи якунига қадар   |
| 20. | Пискент тумани     |                                     |
| 21. | Риштон тумани      | 2023 йил декабрь ойи якунига қадар  |
| 22. | Ёзёвон тумани      |                                     |
| 23. | Янгиариқ тумани    |                                     |

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

# 24

### Озиқ-овқат технологияси ва муҳандислиги халқаро институтини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида\*

Мамлакатимизда «Янги Ўзбекистон — янгича дунёқараш» ғояси асосида иқтисодий фаол ривожлантириш, шу жумладан таълим ва қишлоқ хўжалигида билим ва инновацияларни, озиқ-овқат саноатида янги механизмларни кенг жорий этиш, соҳада халқаро талаблар асосида юқори малакали кадрлар тайёрлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегияси ижросини самарали ташкил этиш мақсадида:

1. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг Қишлоқ хўжалиги вазирлиги таъсисчилигида ҳамда Уммон Султонлигининг Atyab International Services компанияси иштирокида Озиқ-овқат технологияси ва муҳандислиги халқаро институтини (кейинги ўринларда — Институт) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Қуйидагилар Институтнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари сифатида белгилансин:

халқаро тенденцияларни акс эттиришга мослашган «илмга асосланган, амалиёт ва бизнесга йўналтирилган (science-based, practice-business-oriented) таълим» тамойили асосида халқаро тан олинган сифат стандартларини (Global G.A.P, Organic, НАССР ва бошқалар) жорий эта оладиган юқори малакали кадрларни тайёрлаш;

соҳада ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш технологиялари, бозор тенденциялари, хавфсизлик ва сифат стандартлари (кодекси), тармоқни бошқариш усуллари ва маҳсулот бўйича маълумотлар каби йўналишларда таълимни ривожлантириш;

ўқув жараёнига малакали чет эллик ҳамда хорижий таълим муассасаларида таҳсил олган, малакасини оширган халқаро тажрибага эга маҳаллий мутахассисларни жалб қилиш;

озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасида кичик ва ўрта бизнес учун рақобатбардош технологиялар, жараёнлар ва тармоқларни ривожлантирадиган мукамал технологлар, етук кадрлар ва бизнес раҳбарларини тайёрлаш;

мева-сабзавот, сут, гўшт, нон ва қандолат маҳсулотларини, мойли уруғлар, асал ва зираворларни қайта ишлаш ҳамда дон маҳсулотлари бўйича замонавий бизнес инкубация хизматларини кўрсатиш;

озиқ-овқат технологияси соҳасида амалий ва инновацион тадқиқотлар ҳамда замонавий талаблар асосида илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш.

3. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Уммон Султонлигининг Atyab

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 28 январда эълон қилинган.

International Services компанияси (кейинги ўринларда — Компания) ўрта-сида озиқ-овқат хавфсизлиги, сифат назорати ва халқаро сертификатлаш тизимларини жорий этиш бўйича Келишув битими имзоланганлиги ҳамда Компания томонидан қуйидагилар амалга оширилиши маълумот учун қабул қилинсин:

Институт фаолиятига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, академик регламентлар, молиявий низом, йўриқномалар, маъмурий тартиб ва қоидаларни ишлаб чиқишда ёрдам кўрсатиш;

озиқ-овқат хавфсизлиги, сифат назорати, халқаро сертификациялаш тизимларини ўз ичига олган ва аккредитациядан ўтган лабораториялар ташкил этишга кўмаклашиш;

тармоқда мавжуд муаммолар ечимини топиш ва махсус тадқиқотлар учун саноат академик интерфейсини яратиш;

Институт ҳузурида халқаро сифат ва назорат стандартларига жавоб берадиган мева-сабзавот, сут, гўшт, нон ва қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш линиялари бўйича 12 та инкубация марказларини ташкил этишга кўмаклашиш;

озиқ-овқатни қайта ишлаш саноати вакиллари ва соҳага алоқадор манфаатдор томонлар эҳтиёжидан келиб чиқиб, қисқа муддатли ўқув дастурлари бўйича ўқув режаларини ишлаб чиқиш, тренинглар ўтказиш, «устоз-шогирд» анъаналарини жорий этиш учун тармоқда саноат ҳамкорлигини яратиш;

йирик таълим ва илмий муассасалар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, хусусан Халқаро озиқ-овқат сифат назорати уюшмаси, Чикаго озиқ-овқат технологиялари институти, Канада озиқ-овқат технологиялари ва фанлари институти, Туркиянинг озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги уюшмаси ҳамда бошқа халқаро ва хорижий муассасалар билан билим ва инсон ресурсларини алмашиш учун институционал ҳамкорликни ривожлантириш.

4. Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг Компания иштирокида Институт ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлмаган Агробизнес субъектлари салоҳиятини ошириш маркази — Capacity Building Center (кейинги ўринларда — Марказ)ни ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

5. Марказ республиканинг озиқ-овқат тармоғи учун универсал ечим сифатида фаолият юритиб, қуйидаги йўналишларни ўз ичига олиши маълумот учун қабул қилинсин:

мева-сабзавотларни қайта ишлаш соҳасида илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш ва ўқув дастурларини ишлаб чиқиш;

дон ва нон маҳсулотлари сифатини, озиқ-овқат хавфсизлиги ва сифатини таҳлил қилиш ва ушбу йўналишда мутахассисларни ўқитиш;

озиқ-овқат маҳсулотларини сертификатлаш, стандартлаштириш ва ушбу фаолиятни тартибга солиш соҳасида тадқиқот олиб бориш ва мутахассисларни ўқитиш.

6. Белгилансинки, Институтни ташкил этиш учун назарда тутилган харажатларни молиялаштириш Жаҳон банкининг «Фарғона водийсида қишлоқ тадбиркорлигини ривожлантириш» лойиҳаси доирасидаги 19,5 млн АҚШ доллари миқдоридagi маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

7. Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти ҳузуридаги Қўқон қишлоқ хўжалиги ва технологиялар техникуми негизида Озиқ-овқат технологияси ва муҳандислиги халқаро институти ҳузуридаги Қўқон озиқ-овқат саноати ва хизмат кўрсатиш техникуми (кейинги ўринларда — Техникум) ташкил этилсин.

8. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (А. Воитов) 2024 йил якунига қадар Техникумни Жаҳон банкнинг «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш» лойиҳаси доирасидаги 2 млн АҚШ доллари миқдоридаги маблағлар ҳисобидан модернизация қилиш, намоёиш участкаларини қуриш ҳамда бинода таъмирлаш-қурилиш ишларини ташкил этиш чораларини кўрсин. Техникум Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июлдаги «Аграр таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4795-сон қарорига асосан молиялаштирилиши белгилаб қўйилсин.

9. Белгилансинки, Техникумни муваффақиятли тамомлаган битирувчилар Институтга соҳага мос бўлган бакалаврият таълим йўналишлари бўйича кириш имтиҳонларисиз якка тартибдаги суҳбат орқали 2-курсдан тўлов-контракт асосида қабул қилинади.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Техникумни муваффақиятли тамомлаган битирувчиларни имтиҳонларисиз якка тартибдаги суҳбат орқали қабул қилиш тартибини ишлаб чиқиб, белгиланган тартибда тасдиқласин.

10. Техникум Фарғона вилояти, Қўқон шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси 92-уй манзилига доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

11. Белгилаб қўйилсинки:

Институт тўлиқ академик ва молиявий мустақил бўлган давлат олий таълим муассасаси ҳисобланади ҳамда битирувчиларга давлат намунасидаги диплом берилади;

Институтда ўқитиш давлат таълим стандартларини ҳисобга олган ҳолда инглиз, рус ва ўзбек тилларида ҳамда кундузги, сиртқи ҳамда масофавий таълим шаклларида амалга оширилади;

Институт жалб этилган хорижий мутахассислар ва маҳаллий ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорларини бозор конъюнктурасидан келиб чиқиб, мустақил белгилайди;

Институтда таълим олувчиларни қабул қилиш квоталари манфаатдор вазирлик, идора ва бошқа ташкилотларнинг тегишли кадрларга бўлган эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда Бошқарув кенгаши қарори билан тасдиқланади;

кадрларга бўлган эҳтиёждан келиб чиқиб, Бошқарув кенгашига янги истиқболли бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларини очиш ҳуқуқи берилади;

Институт Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири ва давлат тилида номи туширилган муҳр, банк ҳисобварақлари, штамп ва бошқа реквизитларга эга бўлади;

Институт Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри, Ал-Фарғоний кўчаси, 204-уй манзилига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида жойлаштирилади.

12. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо ва-

зирлиги ҳамда Савдо-саноат палатасининг 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб Институтда бакалаврият таълим йўналишлари бўйича дуал таълим тизимини жорий қилиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин. Бунда:

Германия ва Венгрия тажрибасини ўрганган ҳолда озиқ-овқат саноати корхоналарида маҳсулотларни сақлаш, қайта ишлаш йўналишлари бўйича дуал таълим тизимини жорий этиш орқали назарий билимлар — таълим муассасасида, амалий билимлар — ишлаб чиқариш корхоналарида «устоз-шогирд» анъаналари асосида ташкил этилиши;

дуал таълим асосида таълим олаётган талабаларнинг «старт» лойиҳалари ҳамда дуал таълим ривожланган хорижий давлатлардан мутахассисларни таклиф этиш билан боғлиқ харажатлар Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳузуридаги Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва озиқ-овқат таъминоти жамғармаси ҳамда Савдо-саноат палатасининг маблағлари ҳисобидан молиялаштирилиши маълумот учун қабул қилинсин.

13. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги 2024 йил 1 январдан бошлаб Институтнинг илмий салоҳиятини ошириш учун озиқ-овқат саноати ва уни қайта ишлаш бўйича илмий педагогик кадрлар (таянч докторантура (PhD) ва докторантура (DSc) тайёрлаш тизимини йўлга қўйсин.

14. Қуйидагилар:

Озиқ-овқат технологияси ва муҳандислиги халқаро институти Бошқарув кенгашининг (кейинги ўринларда — Бошқарув кенгаши) таркиби 1-иловага\* мувофиқ;

Институтда 2023/2024 ўқув йилида тўлов-контракт асосида ташкил этиладиган бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

15. Бошқарув кенгаши (Ж. Ходжаев, А. Воитов):

а) Институтнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишларини ўз ичига олган узоқ ва ўрта муддатли стратегик ривожлантириш дастурини, халқаро эътироф этилган ташкилотлар рейтингларида иштирок этиш бўйича мақсадли чора-тадбирларни белгилаш ва уни амалга ошириш бўйича «йўл харитаси»ни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

б) қуйидаги чораларни кўрсин:

таълим йўналишлари, мутахассисликлар ҳамда ихтисосликлар бўйича тўлов-контракт асосида ўқишга қабул параметрларини белгилаш тўғрисида қарор қабул қилиш;

хорижий ва маҳаллий етакчи олий таълим муассасалари билан талабаларнинг академик мобиллигини таъминлаш ҳамда қўшма таълим дастурларини жорий этиш;

Институтнинг молиявий йил учун мўлжалланган бизнес-режасини, даромад ва харажатлар параметрларини тасдиқлаш ҳамда уларнинг ижросини муҳокама қилиш;

таълим ва тадқиқот жараёнларига инвестицияларни жалб этиш, Инсти-

---

\* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тут фаолиятини ташкил этишда халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ва халқаро молия институтларидан грант маблағларини жалб этиш.

16. Институт фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб қуйидагилар белгилансин:

халқаро молия ташкилотларининг грантлари, муассислар маблағлари, тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар;

хўжалик, илмий фаолият ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган маблағлар, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари ҳамда қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

17. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳар йили Давлат буюртмаси асосида тақсимланадиган квоталар доирасида Институтга давлат гранти асосида квоталар ажратиш чораларини кўрсин.

18. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (А. Воитов):

а) 2024 йил якунига қадар:

Институтнинг бино ва иншоотлари қурилиши, шунингдек, Институт профессор-ўқитувчилари учун яшаш жойлари тайёрланиши ҳамда моддий-техник воситалар билан жиҳозланишини;

халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан Институт учун ўқув аудиториялари жиҳозлари харид қилиниши, бинолар комплекси ҳудудида ошхона ва ёрдамчи хоналар ташкил этилишини таъминласин;

б) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда 2023/2024 ўқув йилидан Институтда таълим жараёнини ташкил этиш, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва модернизация қилиш учун Жаҳон банкининг «Фарғона водийсида қишлоқ тадбиркорлигини ривожлантириш» лойиҳаси доирасидаги 19,5 млн АҚШ доллари миқдоридаги маблағларни ажратиш чораларини кўрсин;

в) 2023/2024 ўқув йилига қадар етакчи лойиҳа ва пудратчи ташкилотларни жалб этган ҳолда Институтнинг янги ўқув кампуси халқаро стандартлар асосида қурилишини таъминласин;

г) уч ой муддатда таъсис ҳужжатлари ишлаб чиқирилиши ва келишилишини, шунингдек, Институтнинг белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

19. Ташқи ишлар вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг виза талабномаларига биноан Институтга таклиф қилинадиган чет эллик профессор-ўқитувчилар, мутахассислар ҳамда уларнинг оила аъзолари учун кириш визалари консуллик йиғимлари ва ҳақиқий харажатларнинг ўрнини қоплаш ҳисобидан йиғимлар ундирилмасдан расмийлаштирилишини таъминласин.

20. Фарғона вилояти ҳокимлиги (Х. Бозоров) Институтнинг илмий салоҳиятини ошириш мақсадида хориждан ва республиканинг бошқа ҳудудларидан таклиф этилган олим ва мутахассисларни турар жой билан таъминлаш мақсадида Фарғона шаҳрида қуриладиган арзон уй-жойларни имтиёзли шартлар асосида ажратиш чораларини кўрсин.

21. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан

келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

22. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб қишлоқ хўжалиги вазири А.Б. Воитов белгилансин.

Мазкур қарор ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ж.А. Ходжаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,  
2023 йил 26 январь,  
ПҚ–22-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2023 йил 26 январдаги  
ПҚ–22-сон қарориға  
2-ИЛОВА

Озиқ-овқат технологияси ва муҳандислиги халқаро  
институтида 2023/2024 ўқув йилида тўлов-контракт асосида  
ташкил этиладиган бакалавриат таълим йўналишлари ва  
магистратура мутахассисликлари  
РЎЙХАТИ

| Т/р                                | Бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари номи |
|------------------------------------|-----------------------------------------------------------------------|
| I. Бакалавриат таълим йўналишлари  |                                                                       |
| 1.                                 | Озиқ-овқат технологияси B.tech. (Food technology)                     |
| 2.                                 | Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти            |
| 3.                                 | Иқтисодиёт: Озиқ-овқат ва ресурслар иқтисодиёти                       |
| 4.                                 | Аҳоли ва туристларнинг овқатланишини ташкил этиш сервиси              |
| II. Магистратура мутахассисликлари |                                                                       |
| 5.                                 | Озиқ-овқат технологияси M.tech. (Food technology)                     |
| 6.                                 | Master of Business Administration (MBA)                               |



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ

**25**

сида\*

**Пахта хом ашёси етиштирувчилар фаолиятини янада қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғри-**

Пахта-тўқимачилик кластерлари ва фермер хўжаликлари ўртасида ўзаро манфаатли муносабатни йўлга қўйиш, пахта хом ашёсини етиштирувчи ва уни қайта ишловчи корхоналар фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш мақсадида:

**1. Белгилансинки:**

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятига ноқонуний аралашиш, уларнинг таъсисчиларини йиғилишлар ва бошқа тадбирларга чақириш, фермерлар билан бўладиган муносабатларига таъсир ўтказиш қатъиян ман этилади;

пахта-тўқимачилик кластерлари ҳамда маҳсулот етиштирувчиларга экинларни жойлаштириш, ер ва сув ресурсларидан фойдаланишда қонунчиликда назарда тутилмаган чекловлар киритган мутасаддиларга белгиланган тартибда жавобгарлик чоралари қўлланилади;

пахта-тўқимачилик кластерларига тўрт томонлама битим доирасида олинган мажбуриятлардан ташқари қўшимча мажбуриятларни юклаш тақиқланади.

Бош прокуратура (Ш. Аминов) ва Ички ишлар вазирлиги (С. Нишанбаев) мазкур ҳолатлар юзасидан назоратни кучайтирсин ва ўз вақтида тезкор чоралар кўриб борсин.

**2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра 2023 йил ҳосилидан бошлаб:**

а) ҳар йили 1 октябрга қадар пахта-тўқимачилик кластерлари томонидан фермер хўжаликлари билан келгуси йил ҳосили учун пахта хом ашёсини етиштириш бўйича фьючерс шартномалари тузилади (2023 йил ҳосили учун 2023 йил 1 февралга қадар). Бунда, пахта хом ашёсини етиштириш ва етказиб бериш бўйича фьючерс шартномалари солиқ органларининг ахборот тизимида рўйхатдан ўтказилади ҳамда Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг «Агроплатформа» ахборот тизимига интеграция қилинади;

б) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Нью-Йорк биржаси пахта толасининг ўртача ойлик фьючерс котировкалари таҳлилини ўзининг расмий веб-сайтида эълон қилиб боради.

Вазирлар Маҳкамаси ўн беш кун муддатда Нью-Йорк биржаси ўртача ойлик фьючерс котировкалари таҳлилини Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг расмий веб-сайтида эълон қилиш регламентини тасдиқласин.

Бунда, пахта-тўқимачилик кластерлари ва фермер хўжаликлари томонидан пахта хом ашёсининг харид нархи ўзаро манфаатли келишув асосида шакллантирилишига эътибор қаратилсин;

в) ғўза экинини навлар бўйича жойлаштириш ва Қишлоқ хўжалиги

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 30 январда эълон қилинган.

вазирлиги билан келишилган ҳолда уруғлик хўжаликларини танлаш пахта-тўқимачилик кластерлари томонидан уларга ажратилган ер участкалари ва фермер хўжаликларининг пахта майдони доирасида мустақил равишда амалга оширилади;

г) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси кредит ресурслари ҳисобидан пахта хом ашёси етиштириш харажатларини молиялаштириш учун тижорат банклари орқали пахта хом ашёси қийматининг 60 фоизи миқдорида кредитлар ажратилади. Бунда, пахта хом ашёси етиштиришни молиялаштириш учун ажратилган кредит муддатида қайтарилмаганда, ушбу кредитлар учун йиллик Марказий банк асосий ставкасининг 1,5 баробари (шундан, банк маржаси 2 фоиз) миқдорида фоиз тўланади;

д) пахта-тўқимачилик кластерлари томонидан бўнак тўлаш маҳсулот етиштирувчилар билан келишув асосида пул ва моддий ресурслар шаклида амалга оширилади. Бунда, моддий ресурслар, шу жумладан, уруғлик, минерал ўғитлар, ёнилғи-мойлаш материаллари ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари устамаларсиз (етказиб бериш бўйича транспорт харажатлари бундан мустасно) етказиб берилади;

е) пахта-тўқимачилик кластерлари томонидан маҳсулот етиштирувчиларга сотилган уруғлик, минерал ўғитлар, ёнилғи-мойлаш материаллари ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари электрон ҳисобварақ-фактуралар орқали кунлик расмийлаштириб борилади.

### 3. Белгилаб қўйилсинки:

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимидаги илмий-тадқиқот институтлари томонидан давлат-хусусий шериклик шартлари асосида пахта-тўқимачилик кластерларини жалб этган ҳолда рўзанинг энг ҳосилдор навларини четдан олиб кириб, белгиланган тартибда қатъий карантин ҳимояси остида изоляцияланган муҳитда селекция мақсадлари учун синовдан ўтказишга рухсат берилади;

2023 йилдан бошлаб, хориждан олиб келинган ва республикамызда ишлаб чиқарилган лазерли қурилмага эга автоматлаштирилган ер текислагич агрегатларини сотиб олган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларига ер текислагич агрегатлари қийматининг 30 фоизи Давлат бюджетидан қоплаб берилади;

пахта хом ашёси етиштириладиган майдонларни насос орқали суғоришда сарфланадиган электр энергияси харажатларининг 50 фоизигача қисми Давлат бюджетидан қоплаб берилади.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда ўн кун муддатда лазерли қурилмага эга автоматлаштирилган ер текислагич агрегатларини сотиб олиш ҳамда пахта хом ашёси етиштиришда насосларга сарфланган меъёр даражасидаги электр энергияси харажатларини қоплаб бериш тартибини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини такомиллаштириш мақсадида қуйидаги тизим жорий этилсин:

янги пахта-тўқимачилик кластерини ташкил этиш ва мавжудларининг фаолиятини кенгайтириш танлов асосида фақатгина янги ўзлаштириладиган майдонларда ҳамда суд тартибида ер майдони камайтирилган ва/ёки фаолияти тугатилган пахта-тўқимачилик кластерлари майдонларида амалга оширилади;

пахта-тўқимачилик кластерлари пахтачилик ва тўқимачилик соҳаларидан бошқа йўналишдаги лойиҳаларни ихтиёрий равишда амалга оширади.

Қишлоқ хўжалиги вазирлигига Табиат ресурслари вазирлиги ва Сув хўжалиги вазирлигининг хулосаларига асосан 10 баробар кўп миқдорда тут ва бошқа дарахтлар экиш шarti билан контурларни йириклаштиришга рухсат бериш ваколати берилсин.

5. Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг давлат-хусусий шериклик асосида пахта-тўқимачилик кластерларини жалб этган ҳолда, уларнинг маблағлари ҳисобидан учувчисиз учадиган аппаратларни хориждан олиб келиш ва вазирлик ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида хизматлар кўрсатиш агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари орқали қишлоқ хўжалиги корхоналарига хизматлар кўрсатишни ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

6. Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашига пахта ва ғаллачилик йўналишидаги фермер хўжаликлари томонидан пахта хом ашёси ҳамда донни сотишдан тушган пул маблағларидан тўланадиган мажбурий ажратма 0,6 фоиз миқдорида белгилансин.

7. Белгилансинки, 2025 йил 1 январга қадар импорт қилинадиган минерал ўғитларга (ТИФ ТН кодлари 3105 59 000 0, 3105 40 000 0, 3104 30 000 0, 3105 30 000 0 ва 2835 29 900 0) божхона божининг «ноль» ставкаси қўлланилади.

8. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги 2023 — 2025 йилларда пахта етиштиришда замонавий илм-фан ютуқлари, илғор хорижий тажрибаларни фермер хўжаликларига жорий этиш учун Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази ҳамда унинг ҳудудий агрохизматлар марказларига 20 миллион АҚШ доллари миқдорида халқаро молия институтлари маблағларини жалб қилиш чораларини кўрсин.

9. «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси бир ой муддатда амалда жорий қилинган Пахта толасини мажбурий автоматлаштирилган ҳисобга олиш тизimini Қишлоқ хўжалиги вазирлиги балансига ўтказиб берсин.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ушбу тизимнинг барча пахта-тўқимачилик кластерларида, «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси пахта-тўқимачилик кластерлари тизимига кирмаган йигирув корхоналарида жорий этилишини ҳамда солиқ органларининг ахборот тизими билан интеграция қилинишини таъминласин.

10. Пахта ва ғалла етиштирувчи фермер хўжаликларининг мазкур қарор кучга кириш санаси ҳолатига барча солиқлари бўйича ҳисобланган ва тўланмаган пенялари, истисно тариқасида ҳисобдан чиқарилсин.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда қўшилган қиймат солиғини тўлаш ҳамда уни ҳисобга олиш муддатини пахта хом ашёси бўйича амалга оширилади-

ган ҳисоб-китоб муддатига мувофиқлаштиришни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини мувофиқлаштириш республика комиссияси таркиби иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

12. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари пахта-тўқимачилик кластерлари билан биргаликда икки ой муддатда тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришда мавжуд қувватлар ва амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг барча қайта ишлаш босқичларида ўзаро боғлиқлигини таҳлил қилган ҳолда, пахта-тўқимачилик кластерлари билан тузилган тўрт томонлама битимга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни таъминласин.

13. Қишлоқ хўжалиги вазирлигига Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан бирга пахта хом ашёси етиштирувчиларга ажратилган маблағлардан самарали фойдаланилишини аудитдан ўтказиш ва бизнес-консалтинг ташкилотларини шартнома асосида жалб қилган ҳолда, пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини баҳолаш ва тўрт томонлама битим мажбуриятлари бажарилишининг мониторингини олиб бориш ҳуқуқи берилсин.

14. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги билан биргаликда ҳар ҳосил йили якуни билан томонларнинг келишувида назарда тутилган мажбуриятларнинг бажарилиши, пахта-тўқимачилик кластерлари фаолияти бўйича мониторинг олиб борсин ҳамда натижаси юзасидан Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритиб борсин.

15. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан пахта хом ашёси етиштиришга минерал ўғитлар ва бошқа моддий ресурсларни ўз вақтида жамғариш учун пахта-тўқимачилик кластерлари ва элита уруғчилик хўжаликлари буюртмасига мувофиқ имтиёзли кредитлар ажратилишини таъминласин.

16. Марказий банк тижорат банклари билан биргаликда бир ой муддатда томчилатиб суғоришга бериладиган кредитлар муддатини 5 йил этиб белгилаш ҳамда мазкур мақсадлар учун аввал берилган кредитларни ҳам ушбу муддатга қайта расмийлаштириш чораларини кўрсин.

17. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти ҳамда мақсад ва вазифаларининг оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

18. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Адлия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

19. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб қишлоқ хўжалиги вазири А.Б. Воитов белгилансин.

---

\* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ж.А. Ходжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 26 январь,  
ПҚ–23-сон

## БЕШИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ ҲУЗУРИДАГИ ИҚТИСОДИЙ ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ ДЕПАРТАМЕНТИ БОШЛИҒИНИНГ БУЙРУҒИ

**26** Қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ бўлган операцияларни амалга оширувчи шахслар учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил  
23 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2034-6*

Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 6 мартдаги 129-сон «Ўзбекистон Республикасида идентификация ID-карталарини расмийлаштириш ва бериш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти бошлиғининг 2009 йил 13 октябрдаги 36-сон қарори (рўйхат рақами 2034, 2009 йил 3 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 45-сон 492-модда) билан тасдиқланган Қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ бўлган операцияларни амалга оширувчи шахслар учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига иловага мувофиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат асиллик даражасини белгилаш палатаси билан келишилган.

---

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 23 январда эълон қилинган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Иқтисодий жиноятларга қарши  
курашиш департаменти бошлиғи**

**Д. РАХИМОВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 22 декабрь,  
41-сон

*Келишилди:*

**Давлат асиллик даражасини  
белгилаш палатаси бошлиғи**

**У. ПАЗИЛХАНОВ**

2022 йил 5 декабрь

Ўзбекистон Республикаси  
Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий  
жиноятларга қарши курашиш департаменти  
бошлиғининг 2022 йил 22 декабрдаги  
41-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ  
бўлган операцияларни амалга оширувчи шахслар учун  
жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга,  
терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини  
тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича  
ички назорат қоидаларига киритилаётган қўшимча ва  
ўзгартиришлар**

1. 1-банд қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

**«учинчи томон** — Ўзбекистон Республикаси «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонунининг 12-моддасида кўрсатилган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар.».

2. Қўйидаги мазмундаги 11<sup>2</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«11<sup>2</sup>. Қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ бўлган операцияларни амалга оширувчи шахслар мазкур Қоидаларнинг 11<sup>1</sup>-банди иккинчи — тўртинчи хатбошиларида назарда тутилган мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширган учинчи томонларнинг лозим даражада текшириш натижаларига ишонишлари мумкин. Мазкур ҳолларда мижозларни текшириш натижалари бўйича сўнгги жавоб-

гарлик қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ бўлган операцияларни амалга оширувчи шахсларнинг зиммасида қолади. Бунда қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ бўлган операцияларни амалга оширувчи шахслар:

мижозларни лозим даражада текшириш бўйича идентификациялаш маълумотлари ва бошқа тегишли ҳужжатлар нусхаларини сўров асосида дарҳол олиш имкониятига эга бўлишига;

учинчи томон мазкур Қоидалар асосида ишлашига ишонч ҳосил қилиши керак.

Мазкур банднинг учинчи ва тўртинчи хатбошиларида кўрсатилган талабларидан бирига риоя қилинмаган тақдирда, қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ бўлган операцияларни амалга оширувчи шахслар мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирларни мустақил равишда амалга оширишлари керак.»

3. Қуйидаги мазмундаги 11<sup>3</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«11<sup>3</sup>. Мижоз — юридик шахсни ва унинг бенефициар мулкдорини идентификациялаш қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ бўлган операцияларни амалга оширувчи шахслар томонидан мазкур Қоидаларнинг иловасида назарда тутилган ахборот асосида амалга оширилади.»

4. 13-банддаги «паспорт ёки унга тенглаштирилган ҳужжат» деган сўзлар «паспорт ёки идентификацияловчи ID-карта ёхуд уларнинг ўрнини босадиган бошқа ҳужжат» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 15-банднинг бешинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мижозларни лозим даражада текшириш ва идентификациялаш натижа-сида олинган маълумотлар аҳамияти ва таваккалчиликлардан келиб чиққан ҳолда ҳамда мижоз маълумотларида ўзгаришлар бўлганда йилига камида бир маротаба янгиланиши лозим.»

6. 25-банд «иш ёзишмаларини» деган сўзлардан кейин «, ўтказилган ҳар қандай таҳлил натижаларини» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

7. Мазкур қўшимча ва ўзгартиришларнинг иловасига мувофиқ таҳрирда-ги илова билан тўлдирилсин.



Қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан  
боғлиқ бўлган операцияларни амалга оширувчи  
шахслар учун жиноий фаолиятдан олинган  
даромадларни легаллаштиришга, терроризмни  
молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини  
тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш  
бўйича ички назорат қоидаларига киритилаётган  
кўшимча ва ўзгартиришларга  
ИЛОВА

«Қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан  
боғлиқ бўлган операцияларни амалга оширувчи  
шахслар учун жиноий фаолиятдан олинган  
даромадларни легаллаштиришга, терроризмни  
молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини  
тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш  
бўйича ички назорат қоидаларига  
ИЛОВА

**Мижоз — юридик шахсни ва унинг бенефициар  
мулкдорини идентификациялашда зарур бўлган  
МАЪЛУМОТ**

1. Тўлиқ, шунингдек агар давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномасида кўрсатилган бўлса, қисқартирилган номи.

2. Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги маълумот: сана, рақам, рўйхатга олувчи орган номи.

3. Солиқ тўловчининг идентификация рақами.

4. Жойлашган жойи (почта манзили).

5. Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномада кўрсатилган бошқа маълумотлар.

6. Мавжуд бўлган лицензиялар ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар (берилган санаси ва тартиб рақами, ким томонидан берилганлиги, амал қилиш муддати) ёхуд хабарнома қабул қилинганлиги тўғрисидаги тасдиқнома (берилган санаси ва тартиб рақами, ким томонидан берилганлиги) ҳақидаги маълумотлар.

7. Мижоз номидан иш кўрувчи жисмоний шахсни идентификацияси тўғрисидаги маълумотлар.

8. Мижознинг таъсисчилари (акциядорлари, иштирокчилари) ҳақидаги ҳамда уларнинг устав фонди (капитали)даги улушлари тўғрисидаги маълумотлар.

9. Рўйхатга олинган ва тўланган устав фонди (капитали) миқдори тўғрисидаги маълумотлар.

10. Мижознинг бошқарув органлари (юридик шахснинг бошқарув органларининг тузилмаси ва шахсий таркиби) тўғрисидаги маълумотлар.

11. Боғланиш маълумотлари (телефон рақами, электрон почта, веб-сайт (агар мавжуд бўлса)).».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**27** Кредит бюроларини рўйхатга олиш ва уларнинг фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил  
23 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3042-3*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида»ги ва «Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги қонунларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 августдаги ПФ–6044-сон «Лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониға мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2018 йил 28 апрелдаги 16/23-сон қарори (рўйхат рақами 3042, 2018 йил 25 июль) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.07.2018 й., 10/18/3042/1573-сон) билан тасдиқланган Кредит бюроларини рўйхатга олиш ва уларнинг фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомға иловаға мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучға киради.

**Марказий банк раиси**

**М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 30 декабрь,  
30/25-сон

*Келишилди:*

**Савдо-саноат  
палатаси раиси**

**Д. ВАХАБОВ**

2022 йил 20 декабрь

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 24 январда эълон қилинган.

*Ахборот технологиялари ва  
коммуникацияларини  
ривожлантириш вазирлиги*

**Ш. ШЕРМАТОВ**

2022 йил 29 декабрь

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки бошқарувининг 2022 йил  
30 декабрдаги 30/25-сон қарорига  
ИЛОВА

**Кредит бюроларини рўйхатга олиш ва уларнинг фаолиятини  
лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган  
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Низом кредит бюроларини рўйхатга олиш ва уларнинг фаолиятини лицензиялаш тартибини белгилайди.».

2. 8-банднинг тўртинчи хатбошисидаги «банкротлик» деган сўз «тўловга қобилиятсизлик» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 9-банд қуйидаги мазмундаги ўн иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Кредит бюроси ахборот тизимларида қўлланиладиган ахборот хавфсизлиги ва муҳофазасининг лицензияланган ва сертификатланган дастурий-техник воситалари таркибий қисми ҳисобланувчи скоринг бўйича дастурий таъминотга эга бўлиши лозим.».

4. Қуйидаги мазмундаги 9<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«9<sup>1</sup>. Кредит бюросининг скоринг бўйича дастурий таъминоти потенциал қарз олувчининг кредитга лаёқатлилиқ даражасини баҳолаш ва мавжуд кредит ахбороти алмашинуви тизимида интеграциялашув имкониятини бериши ва қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

анкета саволлари;

баллаш тартиби;

ишлатиладиган коэффициентлар (моделларнинг ишончилиқ даражасини тасдиқловчи кўрсаткичлар, эҳтимолий дефолт кўрсаткичлари);

математик моделлар.».

5. 19-бандда:

учинчи хатбошидаги «муассис ҳужжатлари» деган сўзлар «таъсис ҳужжатлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

еттинчи — тўққизинчи хатбошилар тегишли равишда олтинчи — саккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

6. 23-бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«давлат рўйхатидан ўтказиш ва лицензия бериш учун зарур бўлган, мазкур Низомнинг 19-бандида кўрсатилган ҳужжатлар тақдим этилмаганда;»;

олтинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

еттинчи хатбоши олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

7. 29-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«29. Марказий банк ариза берувчини давлат рўйхатидан ўтказиш ва лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги ҳақида ушбу қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир иш куни ичида ёзма хабардор қилиши керак.».

8. 30-банд қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Лицензия унинг ҳаққонийлигини онлайн текшириш имконини берадиган, Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғидаги тегишли ахборот ресурси манзилига ҳаволани ўз ичига олган QR-код (матрик штрихли код) қўйилган электрон ҳужжат кўринишида берилади.».

9. 5-бобнинг номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«5-боб. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш,  
тугатиш, лицензияни бекор қилиш ва қайта  
расмийлаштириш тартиби».**

10. 33-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«33. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш, уни бекор қилиш ва қайта расмийлаштириш Ўзбекистон Республикасининг «Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Қонунида назарда тутилган ҳолатларда ва тартибда амалга оширилади.».

11. 34 — 36-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**28** Банк фаолиятига рухсат бериш тартиби ва шартлари  
тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар кири-  
тиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил  
24 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3252-2*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 25 майдаги 12/1-сон қарори (рўйхат рақами 3252, 2020 йил 30 июнь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.06.2020 й., 10/20/3252/1098-сон) билан тасдиқланган Банк фаолиятига рухсат бериш тартиби ва шартлари тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Раис**

**М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 29 декабрь,  
30/7-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 25 январда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки бошқарувининг 2022 йил  
29 декабрдаги 30/7-сон қарорига  
ИЛОВА

**Банк фаолиятига рухсат бериш тартиби ва шартлари  
тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартириш ва  
қўшимчалар**

1. Муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Низом банк фаолиятига рухсат бериш, банк кузатув кенгашининг ва бошқарувининг аъзоларини, шунингдек муҳим аҳамиятга эга ходимларни баҳолаш ва уларни келишиб олиш, банкнинг алоҳида бўлинмаларини очиш ва ёпиш, банкнинг уставига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш ҳамда банкларни қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби ҳамда шартларини белгилайди.»

2. 66-банд қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Мўлжалланган олиш амалга оширилганидан кейин жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролининг тарқатилишини молиялаштириш билан боғлиқ таваккалчиликнинг ортиши ҳақидаги тахминларни баҳолаш потенциал олувчига алоқадор шахсларга нисбатан иқтисодиёт соҳасида, бошқарув тартибига қарши жиноятлар ёки жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш билан боғлиқ жиноятлар учун судланганликнинг мавжудлиги омили таъсирини баҳолашни ҳам ўз ичига олади.»

3. 90-банд қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«номзодга алоқадор шахсларга нисбатан иқтисодиёт соҳасида, бошқарув тартибига қарши жиноятлар ёхуд жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни ва оммавий қирғин қуролларини тарқатишни молиялаштириш билан боғлиқ жиноятлар учун судланганликнинг мавжудлиги омилининг салбий таъсири, хусусан номзод лавозимида киришганидан кейин банкнинг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ёки терроризмни молиялаштириш ёки оммавий қирғин қуролининг тарқатилишини молиялаштириш фаолиятига жалб этилиши билан боғлиқ таваккалчиликнинг ортиши тўғрисидаги тахмин мавжуд эмаслиги;»;

тўртинчи — ўн саккизинчи хатбошилар тегишли равишда бешинчи — ўн тўққизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

4. 155-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**29** Банк хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда тижорат банкларининг фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил  
26 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3030-8*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Марказий банк бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2018 йил 28 апрелдаги 16/18-сон қарори (рўйхат рақами 3030, 2018 йил 2 июль) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.07.2018 й., 10/18/3030/1440-сон) билан тасдиқланган Банк хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда тижорат банкларининг фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ойдан кейин кучга киради.

**Раис**

**М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 4 январь,  
30/10-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 27 январда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки бошқарувининг 2023 йил  
4 январдаги 30/10-сон қарорига  
ИЛОВА

**Банк хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро  
муносабатларни амалга оширишда тижорат банкларининг  
фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисидаги  
низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Муқаддима қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Мазкур Низом банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш мақсадида банк хизматлари истеъмолчилари (бундан буён матнда истеъмолчилар деб юритилади) билан муносабатларни амалга оширишда тижорат банкларининг (бундан буён матнда банк деб юритилади) фаолиятига қўйиладиган минимал талабларни белгилайди.».

2. 27-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«27. Кредит шартномаси тузилгунга қадар банк истеъмолчига қуйидаги ахборотни тақдим этади:

кредит олиш учун қарз олувчига қўйиладиган талаблар;

кредитнинг тури;

кредитнинг энг кўп миқдори ва валютаси, шу жумладан чет эл валютаси билан боғлиқ эҳтимолий таваккалчиликлари (чет эл валютаси бўйича курслар ўзгариши натижасида юзага келадиган молиявий йўқотиш билан боғлиқ таваккалчилик) ҳақида огоҳлантиради;

кредитдан фойдаланиш муддати;

фоиз ставкасининг йиллик номинал қиймати, ўзгарувчан фоиз ставкалари қўлланилганда эса уларни аниқлаш тартиби, шунингдек истеъмолчи-жисмоний шахслар мурожаат қилган санадаги кредитнинг тўлиқ қиймати. Бунда жисмоний шахсларга ажратиладиган кредитларнинг (микроқарзларнинг) тўлиқ қийматини ҳисоблаш мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ тартибда амалга оширилади;

кредитдан фойдаланганлик учун фоизлар ҳисоблаш бошланадиган сана ёки уни аниқлаш тартиби;

воситачилик ҳақлари, тарифлар ва кредит олиш ҳамда унга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган бошқа тўловларнинг батафсил рўйхати ва миқдорлари;

кредит шартномаси бўйича мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда истеъмолчининг жавобгарлиги ва таваккалчиликлари;

кредит бериш, шу жумладан масофавий хизматлар кўрсатиш тизимлари орқали кредит бериш усуллари;

қарз олувчининг кредитни қайтариш, кредит бўйича фоизларни ва бошқа тўловларни тўлаш чоғидаги тўловларининг даврийлиги;

гаровга қўювчи, кафил (кафолат берувчи) ва кредит шартномасининг тарафи ҳисобланган бошқа шахснинг жавобгарлиги;

банк ва истеъмолчининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, шу жумладан



муддати ўтказиб юборилган қарздорликни ундириш жараёнида истеъmolчининг ҳуқуқлари, шунингдек банк хизматларини кўрсатиш шартномасида кўзда тутилган тарафларнинг жавобгарлиги ҳақидаги маълумотлар;

истеъmolчи томонидан кредит олиш учун тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиш, кредитни тақдим этиш ва ундан фойдаланиш муддатлари;

кредит олиш учун зарур бўлган ҳужжатларнинг тўлиқ рўйхати;

кредит бериш тўғрисидаги шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш турлари;

кредит таъминотиға қабул қилинадиган гаров турлари (агар гаров талаб қилинса);

кредитни муддатидан олдин сўндириш тартиби;

кредит шартларини ўзгартириш тартиби, шу жумладан қарздорликни қайтариш муддатларини қайта кўриб чиқиш ва ундирувни гаров мулкиға қаратиш тартиб-таомили.».

3. Қўйидаги мазмундаги 27<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«27<sup>1</sup>. Банк олдидаги мажбуриятлар таъминоти сифатида мулкни гаровға қўяётган ёки кафил бўлаётган учинчи шахсларға келгусида юзаға келиши мумкин бўлган хатарлар, хусусан қарз олувчи томонидан кредит ва унга ҳисобланган фоизлар ўз вақтида тўланмаган тақдирда, кредит бўйича юзаға келган қарздорликларни қоплаш учун қонунчиликка ва шартномаға мувофиқ учинчи шахснинг гаровдаги мол-мулкиға ёхуд кафилнинг мол-мулкиға ундирув солидар ёки субсидиар жавобгарлиги тартибида қаратилиши мумкинлигини тушунтириши лозим.».

4. 33-бандда:

қўйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«истеъmolчиларға субординар қарзни омонат (депозит) ёки омонатға (депозитға) тенглаштирилган қарз сифатида тақлиф этиш;»;

учинчи ва тўртинчи хатбошилар тегишли равишда тўртинчи ва бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

5. Қўйидаги мазмундаги 36<sup>12</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«36<sup>12</sup>. Банклар:

кредит ажратиш қоидаларида белгиланган муддатда истеъmolчи томонидан кредит олиш учун тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиши ҳамда кредит ажратиш тўғрисида ёки кредит ажратишни асослантирилган ҳолда рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши;

кредит ажратиш тўғрисида ёки кредит ажратишни асослантирилган ҳолда рад этиш ҳақида қабул қилинган қарор тўғрисида бундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай истеъmolчини ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

Бунда, агар хабарнома истеъmolчига электрон почта, СМС-хабар ёки масофавий хизмат кўрсатиш тизимлари орқали юборилган бўлса, унда банк истеъmolчи учун унинг сўровиға мувофиқ хабарномани ёзма қоғоз шаклда ҳам тақдим этиш имкониятини таъминлаши лозим.».

6. 37<sup>4</sup>-банднинг биринчи хатбошисидаги «қарз олувчи томонидан шарт-

номага» деган сўзлар «кредит (қарз) шартномасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. 41-банддан «сўндириш жадвалини илова қилган ҳолда» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

8. 43-банддаги «етказди» деган сўз «юборди» деган сўз билан алмаштирилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг  
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг  
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан  
ўтказиш ҳолати тўғрисида  
МАЪЛУМОТИ**

**1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти бошлиғининг 2022 йил 22 декабрдаги 41-сон «Қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ бўлган операцияларни амалга оширувчи шахслар учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

***2023 йил 23 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2034-6.***

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2022 йил 30 декабрдаги 30/25-сон «Кредит бюроларини рўйхатга олиш ва уларнинг фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

***2023 йил 23 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3042-3.***

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2022 йил 29 декабрдаги 30/7-сон «Банк фаолиятига рухсат бериш тартиби ва шартлари тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

***2023 йил 24 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3252-2.***

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2023 йил 4 январдаги 30/10-сон «Банк хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда тижорат банкларининг фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

***2023 йил 26 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3030-8.***